УДК 82.0

“1984” ВА “ЛОЛАЗОР” РОМАНЛАРИДА ТАРИХИЙ МУҲИТ, БАДИИЙ ҒОЯ ВА КЎПҚАТЛАМЛИЛИК

Ш.Ш. Қурбонова

Мақолада “1984” ва “Лолазор” романларида тарихий муҳит, бадиий ғоя ва кўпқатламлилик, оламни фалсафий идрок этиш ва услубан мураккаб романларда муштараклик масаласи хусусида фикр-мулоҳаза юритилган. Жаҳонга таниқли адиб, сиёсатни адабиётга айлантиришга муваффақ бўлган Жорж Оруэллнинг башорат тарзида яратилган “1984” ва Мурод Муҳаммаддўстнинг турғунлик даври фожиалари акс этган “Лолазор” романларини типологик ўрганиш натижасида чиқарилган илмий-назарий хулосалар ва умумлашмалар баён қилинган.

Калит сўзлар: *тарихий муҳит, ноанъанавий шартлилик, ифода услуби, сюжет, композиция, тил, ижтимоий-фалсафий концепция, ижтимоий-фалсафий ва психологик талқин, мажоз, киноя.*

В статье рассматриваются историческая среда, художественная идея и многослойность в романах «1984» и «Лолазор», философское осмысление мира и общность стилистически сложных романов. Научно-теоретические выводы и обобщения, сделанные в результате типологического исследования романов Джорджа Оруэлла «1984», сумевшего превратить политику в литературу, и «Лолазор», в котором отражены трагедии рецессии. Мурада Мухаммада.

Ключевые слова: *историческая среда, нетрадиционная обусловленность, манера выражения, сюжет, композиция, язык, социально-философская концепция, социально-философско-психологическая интерпретация, метафора, сатира.*

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб жамиятда янгича ижтимоий-сиёсий қарашлар пайдо бўла бошлади, бадиий адабиётда инсон “мен”ини бутун мураккабликликлари, зиддиятлари ва қарама-қаршиликлари билан тасвирловчи, у фақатгина ижтимоий ҳодиса сифатида эмас, ўзига хос олам тарзида талқин этила бошланди. Ноанъанавий шартлилик усулининг хилма-хил кўринишлари Ғарб адабиёти таъсирида шаклланган модернизм орқали кўрсатила бошланди.

Инсоннинг ўз ҳаётини холис, шу билан бирга шафқатсизларча тафтиш қилиши, ўзини идрок этишга интилиши ва ўз-ўзи билан муросасизлиги тасвирланган бадиий асарларнинг юзага келишида мавжуд вазият, тарихий шарт-шароит, ижтимоий муҳит сезиларли даражада таъсир қилади. Ҳам миллий, ҳам умумбашарий ғоялар акс этган бу йўналишдаги насрий асарлар ўзининг ифода услуби, бадийяти, сюжети, композицияси, тили, тасвир воситалари, ижтимоий-фалсафий концепцияси билан адабиётда янги тўлқин кириб келаётганлигини кўрсатди.

М.М.Дўстнинг “Лолазор” романида инсоннинг ўз-ўзи билан тўқнашуви кенг, чуқур, энг кичик тафсилотларигача кўрсатилган. Назар Яхшибоев ўтган умрига боқиб, ўзининг мулки борлиқ, баҳри муҳит ичида бир зарра эканлигини, ҳақиқий аҳволини англаб етади. Ҳаёт унга ўткинчи, бемаъни, ёлғон ва сохта бўлиб туюлади. Унинг фикри ўткир ақли ва йиллар давомида кўрган-кечирганларидан келиб чиққан тажрибаси донога айлантирган. Ана шу

одам ўзини тафтиш қилиб туриб, ўз фожиасига иқрор бўлади. Зеро, инсон ўзини англаб етмаса, унинг учун ҳеч қандай фожиа йўқ. “Ҳамма гап адибнинг қандай мавзу ва қаҳрамонларни танламасини, фалсафий-психологик таҳлил этиши ва инсоннинг зафари ёки инқирози орқали тириклик фалсафасини, жамият психологиясини, умр ҳикматини бадиий мужассамлаштира олиши, маънавий қадриятларни ҳимоя қилувчи умумбашарий мазмундаги хулосалар чиқара билишида” [1. Б.10].

Тарихий муҳит тўғрисида сўз борар экан, Ж.Оруэлл одамларнинг очарчилик туфайли чеккан азобларини ҳам унутмайди. Уинстон синглисининг қўлидан бир бўлакча шоколадни олиб қочади, кўчадан уйига қайтганда эса онаси ва синглиси ғойиб бўлганди. Совет даврига хос одамларнинг ном-нишонсиз йўқолиши – оммавий террор, етим болаларнинг болалар уйига топшириб юборилиши ўша пайтда табиий ҳол эди. Шу тариқа давлат болалари пайдо бўлар, оила тарқатиб юборилар, ҳеч кими йўқ болалар давлатнинг қуролига айланарди. Уинстондан партия ҳеч нарсани эсламасликни талаб қилса-да, у барибир ўз ўтмишини хотирлайди. Бу эса албатта жуда катта сиёсий хато, оғир жиноят. Ўтмишни эслаган одам фикрлайди, фикрлайдиган одам ниҳоятда хавфли. Ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Коммунистлар шунинг учун миллатнинг гули – зиёлиларни вақти-вақти билан “тоза”лаб туришган. “Хотирлаб қараса, ҳеч қачон озиқ-овқатга тўймаган, ҳеч қачон бутун пайпоқ ва ич кийимлари бўлмаган, мебеллари ҳамиша ғижирлаган ва путурдан кетган эди, хоналар яхши иситилмас, метро поездлари – одам билан зичланган, уйлар – хароба, нон – қора, чой – тақчил, қаҳва – расво, сигарета – оз, синтетик жиншаробдан бошқа ҳеч нарса етарли ва арзон эмасди… буларнинг бари нимадир жойида эмаслигидан нишона эмасми?” [2. Б. 58] Ана шундай тарихий шароит “Молхона” қиссасида ҳам тасвирланган, унда ҳам асар охирида инқилобдан олдинги даврларни эслайдиган деярли қолмайди, қолганлари эса гапиришга қўрқади. “Кекса ҳайвонлар гоҳида, хотираларининг чуқур-чуқурларини ковлаб, инқилобнинг дастлабки йилларида, золим одам Жонс ҳайдалганидан сўнг ҳозиргидан яхши яшаганмидилар ёки ёмонми, деб эслашга уринардилар. Эслай олмасдилар. Улар ҳозирги ҳаётларини нима билан таққослашни билмасдилар: уларнинг Қичқироқнинг маърузаларидан бошқа нарсадан хабарлари йўқ эди [3. Б. 91]. “1984” романида ҳам Уинстон майхонада учратиб қолган рангпар, кўзлари кўкиш чолдан 1925 йилдан олдинги ҳаёт яхшими ёки ҳозиргиси, деб сўраганида, у аниқ жавоб бериш ўрнига, биламан, сен мендан қандай жавоб кутаётганингни биламан [3. Б. 87], деб суҳбат мавзусини мутлақо бошқа томонга буриб юборади. Кекса авлод ўтмиш ҳақида сўз очиш ўз-ўзига чоҳ қазиш, ўз жонига қасд қилиш эканлигини билади ва шунинг учун ҳеч қачон бу тўғрида бирор фикр билдирмайди.

Беш йиллик съездлар, озиқ-овқат программалари, шиорбозлик, буйруқбозликка таянган совет тузуми фош қилинган бу асар ўтган асрнинг 30–50 йилларидаги тарихимиз солномаси, дейиш мумкин. Ж.Оруэллнинг ўзи бу асарларни ёзишдан мақсадини аниқ баён қилган, “бу сиёсий адабиётни санъатга айлантириш. Мен учун бошланғич чизиқ – бу ҳар доим ўзимни ҳис қилиш, адолатсизлик ҳисси. Лекин мен қила олмадим” [2. Б. 194]. Лекин муаллиф бу ишни амалда жуда яхши уддалади, совет даврида яшаган одамлар учун бу асар ҳужжатли фильмни эслатибгина қолмай, ўтмишнинг қора кунларини ёдга солиб, қалбларини вайрон қилади. Дунёдан тамомила ажратиб қўйилган, халқлар турмаси деб ном олган совет иттифоқи одамларни хотирасидан жудо қилишни мўлжаллаган, шу йўл билан ўзининг ягона тил, ягона халқ, ягона сиёсат ва ягона мамлакат тамойилини давом эттирганди. Ёзувчи тарихий воқеликни, ундаги ҳар детални шунчалар аниқ тасвирлайдики, бу жараёндан хабардор одамни чексиз ҳайрат чулғайди. Наҳотки, бошқа давлатда яшаб туриб, ўзига мутлақо бегона бўлган давлатга хос бўлган сиёсатни, унинг энг нозик сирлари-

ни, иш тутумини, яширин тарзда олиб бориладиган хатти-ҳаракатларини энг майда тафсилотларигача билиш мумкин. Нафақат ўша давлатда бугун амалга оширилаётган якка шахсга сиғиниш, оммавий қатағон, саноат, қишлоқ хўжалиги, молия, матбуот, фан, санъат, ижтимоий муносабатлар, ҳатто унинг келажагини – таназзулини кўра олиш учун инсон камида даҳо ёки ғайритабиий қудрат соҳиби – башоратчи бўлиши керак. Дж.Оруэлл бу ишни уддалади, унинг ёзганларининг ҳаммаси юз берди.

Дунёда аввал ҳам, ҳозир ҳам минглаб асарлар ёзилади, китоблар тартиб берилади. Лекин фақат бир қисмигина яшаб қолади. Демак, яратилажак асарларни бешафқат саралайдиган бир куч бор. У ҳеч кимга бўйсунмайди, на шоҳга, на гадога. Бу бадиийлик қонунидир [4. Б. 4]. Ж.Оруэллнинг асарлари вақт синовига дош берибгина қолмасдан, вақтнинг устидан ғалаба қозона олди. Вақт келди, у айтган, ёзган вақт келди, бутун дунё уни тан олишга мажбур бўлди, чунки унинг айтган башоратлари бехато ўзини кўрсатди. Мажоз йўли билан ёзилган, эртакни эслатиб юборадиган “Молхона”нинг эртак эмаслиги аён бўлди. Бутун дунёга ҳукмфармолик қилган СССР парчаланиб кетди, унинг номигина қолди. Ҳақиқатга айланган эртак қаҳрамонлари тарих олдида ўзига муносиб баҳосини олди. Ўзгартирилган тарих ўз аслига қайтди.

Ақллилар ҳукмдори деб тан олинган А.Камюнинг “санъат воқеликка бўйсунмайди, аксинча, воқелик ўзига хос бир тарздаги санъат талабларига бўйсунади” [5. Б. 31], деган сўзлари ҳақ эканлиги яна бир карра ўз исботини топди.

“1984” романида жамиятнинг ҳар бир аъзосини, жумладан, Уинстонни ҳам Фикр полицияси тинимсиз таъқиб этади. У доимий тарзда телеэкран орқали кузатиладиган миллионлаб одамлардан бири. Телеэкрандаги шишанинг синиғи каби мияга санчиладиган мусиқа овози Уинстонни ўйлашдан тўхтата олмайди. Чўнтагидан олган тангага қараб, унда оғир, сокин, ҳимоячи чеҳрага тикилиб туриб, доҳийнинг қора мўйловлари остида яшириниб турган кулгунинг маъносини англашга уринади.

“УРУШ – ТИНЧЛИКДИР.

ЭРК – ҚУЛЛИКДИР.

БИЛИМСИЗЛИК – КУЧДИР” [2. Б. 98]

Коммунистик партиянинг моҳияти, ўтмиши, бугуни, келажаги, иш юритиш шакли ва тизими, барча кирдикорлари, ёлғонлари мана шу уч жумлада яширинган эди. Янги тилда бошқа, эски тилда бошқа маънони ифодалайдиган бу жумлалар жамиятни ушлаб турган ва олдинга бошлаб бораётган сирли-сеҳрли, улкан қудратга эга тилсим. Уинстон илк мартоба Жулиянинг қўлига кўчада яширинча “Мен сизни севаман” деган ёзув битилган хатчани тутқазгач, бир неча кун мобайнида ширин истак, ҳаяжон оғушида яшайди, ҳатто бу ишнинг охири ўлим билан якунланишини билиб турса ҳам, бу ҳиссиёт бир лаҳза уни тарк этмайди. Унинг тирик қолгиси, яшагиси келади, у ўзининг ҳозирги ҳаётини ҳаёт, тириклик деб ҳисобламасди.

Муҳаббат ўлимдан кучли эканлиги, севган инсонни ҳеч қандай куч, мафкура, эътиқод, ҳеч қандай тақиқ тўхтата олмаслиги ҳар икки образда ёрқин намоён бўлади. Ташаббус Жулиядан чиқади, Уинстон унга бажону дил жавоб қайтаради. Уларнинг ҳар иккови шунча қаршилик, хавф-хатар, вақти ҳаддан ташқари тиғиз, доимий назоратда бўлишига қарамасдан хуфёна учрашишади ва ўзлари истаган ишга қўл уришади. Зеро, ҳар иккови ҳам айни шу мақсадда учрашишган, қолганлари эса ана шу алоқани мустаҳкамловчи нарсалар эди. Улар бир-бирини тўлдиради, ўзларидаги етишмовчиликни бир-биридан топишади, чунки эҳтиёж – ўлимни енгишга қодир куч.

Ж.Оруэлл Уинстоннинг ички дунёсини очиб берар экан, унинг характерининг шаклланишига сабаб бўлган омилларни маҳорат билан кўрсатади. Аввал отасидан, кейин онаси ва синглисидан ажраб қолган, ҳаётда бирор бир яқин кишиси йўқ, хотини билан турмуши бузилган, фарзандсиз, ҳар бир босган қадами

назоратда бўлган, нафас олишидан тортиб, миясидан кечаётган ўй-хаёлларгача кузатувда бўлган, ёлғизликдан зада, жамиятдан ажралиб қолган, меҳр-муҳаббатга зор, “Ғалаба” жиншаробидан бўлак овунчоғи, ҳамдарди қолмаган Уинстон исён қилишни истайди. Лоақал бир марта бўлса-да, темир қонунларни бузишга, умрида бир лаҳза бўлса-да, инсондек яшашга, ўз оиласи бўлишга, кимнидир севишга, дардларини айтишга имкон қидиради. Худди мана шундай лаҳзада тақдирнинг ўзи унга Жулияни рўбарў қилади. Уинстоннинг болалиги билан боғлиқ хотиралари унча кўп эмас. “Бироқ ҳаммасидан ҳам аниқроқ эслайдигани тинимсиз очлик, овқат устидаги ашаддий ва бешафқат жанжаллар эди. У нега қўшимча овқат йўқ, деб онасидан тўхтовсиз сўрар, бақирар ва жанжал қиларди (ҳатто ўзининг овозини ҳам эслади – *унинг овози эрта синди ва у вақти-вақти билан дўриллаган овозда бақириб, увилларди*. (Таъкид бизники – Ш.Қ.)) ёки онасининг раҳмини келтириш, егуликдан каттароқ қисмини олиш учун пиқиллаб нола қиларди” [2. Б. 152]. Болаликдаги ночорлик Уинстон қисматидаги муқаррар юз бериши керак бўлган фожианинг бошланиши эди. У бутун ҳаёти давомида зулм-зўравонлик, мадҳиябозлик, ёлғон, алдов, таҳлика, қўрқув, хорлик, юзсизлик, макр, найранг, ҳийла ичида яшашга мажбур бўлди, лекин бу иллатларнинг бирортасини ўз қалбига яқин йўлатмади. Унинг қалби пок, ўзи яшашга, севишга, яратишга ҳавасманд, иштиёқманд, фақат халоскор кучни изларди. Бу халоскор, нажот берувчи, уни ҳаётга бўлган умидини тутиб турган куч бор: муҳаббат.

Ўтган асрда халқимиз бир эмас, бир неча марта очарчилик даврини бошдан кечирди. Собиқ коммунистик партия очарчиликдан ҳатто ўзининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланганлиги, қанчадан-қанча одамларнинг бегуноҳ ўлимига сабабчи бўлганлиги мустақилликдан кейингина ошкор бўлди. Мана шу даҳшатли фожиа “1984” романиида, “Молхона” қиссасида, Т.Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида бор-буди тортиб олинган Мирзахўжабойнинг беваси Зайнаб боласи очликдан ўлмаслиги учун йўлга чиқиб, дуч келган йўловчига, “мана шу қизалоқни олиб кетинг”, деб илтижо қилади. Аммо ҳеч ким унинг ялинганига парво қилмайди. Қизалоқ эса “нон” деб хархаша қилавергач, чорасиз она ўзи сезмаган ҳолда шундай дейди: “Ўчир, бозори касод! Сидирға ўтир, бозори касод, сидирға ўтир”. Онанинг ўз фарзандига шундай сўзларни айтишга ким ва нима мажбур қилганилигини салгина мушоҳада қилсак, тоталитар тузумнинг қанчалар ёвуз ва шафқатсиз сиёсат юритганлиги аёнлашади. Ёки очарчиликни бартарф қилиш учун келган НКВД ходимлари фаолларга қарата, сизлар қанчалик кўп ёрдам берсангиз, биз очарчиликни шунча тез тугатамиз. Биз бу борада етарли тажрибага эгамиз, биз жуда қисқа муддат ичида Украинадаги очарчиликка нуқта қўйиб келдик, дейди. Бу гапни эшитган одамларнинг кўнглида умид уйғонади. Улар ишга киришади: уйлар ва кўчалардаги ўликларни, очликдан сулайиб қолганларни олиб келиб ҳовузга ташлашади. Ўшалар сафида ҳали жони чиқмаган, очликдан силласи қуриган Зайнаб ва унинг қизалоғи ҳам бор эди. Шунда Ботир фирқа она-болани таниб қолиб НКВД ходимларига қарата дейди: “Аммо-лекин... тирик-да, тирик! Ана бағридаги боласи-да тирик!.. Шўро ҳукуматига ишчи кучи керак, ўртоқ командир, улар ҳали иш беради.

– Тушунаман, ўртоқ раис, тушунаман. Аммо улар барибир... ўлади-да, ўлади!” [6. Б. 6–7]. Кўриниб турибдики, халоскорлар учун инсон ҳаёти сариқ чақага ҳам арзимайди, уларда заррача одамийлик, шафқат, ачиниш туйғуси қолмаган, улар бир тўда жаллодлар, манқуртлар, холос. Қизил империяга худди мана шундай садоқатли, кўзи кўр, қулоғи кар, фақат партия нимани буюрса, бажарадиган собитжонлар керак эди.

“Улар... совет ҳукуматига қарши очдан ўлганлар!” Ҳа, ўлганлар гуноҳкор, уларнинг гуноҳи оч қолишган, шу туфайли ўлишган. Бу эса партияга қарши чиқиш дегани. Жамиятдаги исталган бир нарсани ўз манфаати нуқтаи назаридан туриб талқин этиш совет

партиясига хос доимий одат. Ҳар қандай нуқсон, хато, адашишдан холи бўлган совет партияси ҳар доим айбни халққа, халқ душманларига ёки ташқи душманларга тўнкашга уринган. Ленин партияси бутун дунёга адолатли, ҳамма тенг ҳуқуқли, хусусий мулк бўлмаган идеал жамиятни ваъда қилиб, халқларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан таназзул сари бошлайди. Ботир фирқанинг ана шуларнинг барчасини ўз кўзлари билан кўра била туриб, яна “Яшасин шўро ҳукумати! Шўро ҳукуматига шон-шарафлар бўлсин!” дейишида алданган, эътиқодда адашган давр кишилари тимсоли мужассамлашган. Тоталитар тузумга, коммунистик мафкурага бўлган чексиз ишонч Ботир фирқанинг хатоси, жирканч сиёсатнинг туб моҳиятини англаб етмаслигидан келиб чиққан фожиа. Бу қисмат партия аъзоларининг аксариятига дахлдор.

Уруш, ичкилик, муҳаббат, оила, шахс эрки, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, разиллик, сотқинлик, иккиюзламачилик, пасткашлик – инсонга хос бўлган олийжаноб ва энг тубан сифатларнинг барчаси умумлашиб роман номига кўчади – “1984”. Асар номининг ўзиёқ кўпмаъноли. У нафақат тарихий сана, балки бутун бошли жамиятнинг тамғаси. Бу тамға остида улкан ҳақиқат мавжуд. “Лолазор” романининг номланишида ҳам шундай кўпмаънолилик бор. Ошно ўзи туғилиб, вояга етган жойга – Булдуруққа ташриф буюради. Бийдай дала ўртасида баланд тераклар бир неча соат давомида уни олқишлаб, чапак чалиб туради. Шундоққина минбар атрофида қип-қизил лолалар барқ уриб турганлиги одамнинг дилини яйратади. Қалбида гўзал ҳислар уйғотади, ширин орзулар қанот қоқади. Бироқ буларнинг ҳаммаси ёлғон, сохта, ясама. Теракларнинг илдизи йўқ, чунки улар бошқа бир жойдан кесиб келтирилиб, ерга чуқур қазиб, жойидан йиқилмайдиган қилиб кўмиб қўйилган. Улар узоғи билан икки-уч кундан сўнг қуриб-қовжираб қолади. Лолалар эса туман марказидан гултувакда келтирилиб, туваги билан бирга устига тупроқ тортилган. Учрашув тугагач, битта-битта тувaклар қазиб олинади ва олиб келинган жойига қайтариб олиб борилади. Буларнинг барчаси социалистик жамиятнинг рамзи, совет давлатининг, партиянинг эртаси, келажаги йўқ, чунки у ёлғон, кўзбўямачилик асосига қурилган. Муаллиф ўзининг ғоявий мақсадини жуда табиий, ҳаёт ҳақиқатига мос тарзда кўрсата олган. Лолазор аслида лолазор эмас, саҳро, қуриб-қақшаб ётган кимсасиз бийдай дала. Асарда шу сингари кўпмаъноликка эга лавҳалар талайгина. Ошнонинг Назар Яхшибоев билан бўлган муносабатларига, ораларидаги тоза, беғубор дўстликка аллақачон дарз тушган. Ўртадаги муносабатлар киприк учидаги кўзёшидек омонат. Уларнинг ўзи эса ер ва кўк ўртасида муаллақ тургандек таассурот қолдиради. Ошно гарчи йилт этган чигит кўринмаса ҳам, ҳали далада пахта кўп деб ўйлайди. Чунки уни шунга ишонтиришади. И.Ҳасановнинг “Ой тиниқлашар” қиссасида юқоридан келган раҳбарни далада ҳосил кўплигига ишонтириш учун ҳар бир ғўза бутасидаги чаноққа пахта қўйиб чиқишади. Ҳаво совуқ, изғирин, ёғингарчилик, 5-синф ўқувчилари ҳам далада. Раҳбар бу томошани сезиб қолади. Унга энг алам қилгани 5-синф ўқувчиларидан бири гаранг, қулоғи кар. Уни шу кўйга тушишига сабаб бўлган нарса ҳам пахта. Пахта яккаҳокимлиги “Лолазор” романида жамиятнинг оғриқ бир нуқтаси сифатида чуқур очиб берилган. Москва, Катта Оғанинг талаби билан 5 рақами 6 га айланади. Беш миллион тонна ўрнига олти миллион тонна пахта етиштириш учун эса болалар боғчасидан тортиб, мозор бошигача пахта экилади, аммо барибир бунча ҳосил етиштириб бўлмайди. Лекин қоғозда режалар бажарилади, мукофотлар олинади, халқнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашаверади, муаммолар ортаверади. Оролнинг қуриши, ҳавонинг ифлосланиши, сув танқислиги, оналар ва болалар ўлимининг ортиши сингари сон-саноқсиз муаммоларни келтириб чиқарган пахта яккаҳокимлиги эди ва унинг оғир оқибатларини бугун ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Уинстон 1973 йилда хотини Кэтрин билан ажрашади, шу воқеадан етти-саккиз йил муқаддам уч машҳур душман, хоин, сотқин, халқ

душмани – Жонс, Аронсон ва Резерфорд қўлга олинади, улар бир йилдан кейин афв этилади ва номи улуғ, супраси қуруқ лавозимларга қайта тикланишади. Уинстон уларни “Каштан остида” кафесида тасодифан учратиб қолади. Соат 15:00, кафеда улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди, шунда ярим дақиқа назорат қилувчи телеэкран ўчади, Уинстон қўшиқ овозини эшитади:

Соядор каштан остида
Мен сотдим, сен сотдинг –
Сербарг каштан остида
Ётармиз куппа-кундуз –
Сен ўнгда, мен сўлда [2. Б. 74]

Уинстон Резерфорднинг кўзларида ёш кўради, унинг бурни мажақланган эди. Орадан кўп ўтмай бу уч киши яна душман сифатида ҳибсга олиниб, қатл этилади. Кейироқ Уинстон тозалаш даврида йўқ қилинган кишиланинг айбсизлигини, ўзининг қўлига келиб тушган фактлар “кутилмаган геологик қатламдан топилган тошқотган суяк бутун геологик назарияни вайрон этгани каби” бу фактлар эълон қилинса, унинг моҳиятини тушунтириш учун имкон бўлса, шу қоғоз парчаларининг ўзиёқ ниқобдор партияни парчапарча қилиб юбориши мумкинлигини англади. Романда келтирилган тарихий муҳит асар ёзилганидан кейинги 30–40 йилни қамраб олади, улар сизу биз яшаб турган вақтдан – мустақилликдан илгари бўлиб ўтган мудҳиш жиноятлар бутун мамлакат шахсга сиғинишга ўргатилди, болаларнинг қулоғига боғчадаёқ “Ленин бобомлар, менинг бобомлар...”, биринчи синфданоқ “Ленин бобо” ёдлатилди. Амир Темур жаллод, босқинчи, Ленин бизни зулмдан озод қилган доҳий деб тўхтовсиз одамлар миясига сингдирилди ва миллат шу тариқа ўзлигини унута бошлади. Н.Яхшибоев дўсти Шариф ўлганда ошхўрлик қилиши ёки отасининг дафн маросимига бормаслиги мана шу мафкуранинг самарасидир.

Ошно билан Назар Яхшибоев шаҳарга келишгач, уларни аввал карвонсарой хўжайини, кейинчалик бошқалар алдай бошлади. Бит босган хона, очликдан адо бўлган Ошно Булдуриққа қайтиб кетмоқчи бўлганида, унинг йўлини тўсган Яхшибоев киссавурларга қўшилиб, Ошнони ва ўзини боқишга мажбур бўлади.

Очлик инсонни диндан чиқаради, дейдилар ҳазрат Али (р.а).Ҳақиқатан ҳам, Н.Яхшибоев ўзининг болалик йилларини ёдга оларкан, буғдой ёки кунжара ташийдиган юк машиналарини кутиб ўтирганини, машинадан мабодо бирор нима тўкилса, ўшани еб жон сақлашдан умидвор бўлганлигини эсласак, партиянинг халққа етказган зулмларидан яна бири аниқ кўринади.

Уинстон ва Н.Яхшибоев қайсидир жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Бу табиий, иккала қаҳрамон ҳам бир тарихий даврда яшайди. Лекин улар орасидаги фарқ катта: Уинстон ўз эркини ўлимдан афзал билади, Яхшибоев эса жамиятга мослашади, ҳатто уни забт этади. Тузумнинг жиловдорларидан бирига айланади, сохта мафкура учун одамларни қурбон қилади. Қурбоной мана шундай образлардан бири, дала юлдузи бир мавсумда машинада минг тонна пахта теради. У бошқа хотин-қизлар учун ибрат қилиб кўрсатилади. Бу аёлнинг умри ҳалокат билан ўз ниҳоясига етганда, унга ҳеч ким ачинмайди.

“Лолазор” партияга, совет тузумига протест сифатида ёзилган асар бўлишига қарамай, унда реал воқелик бирмунча ёпиқ шаклда намоён бўлган. Кўпқатламли тасвирдан унумли фойдаланган адиб биринчи бўлиб, партиянинг ҳақиқий башарасини очиб кўрсатди. Ўзбек адабиётида полифоник романлар бармоқ билан санарли. Фақат М.М.Дўстнинг “Лолазор” ва У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романларида полифоник унсурларнигина учратиш мумкин.

Сюжет воқеаларини хотира ва таассуротлар воситасида ифода этишдай тасвир услуби кейинчалик янада тараққий қилди. XX асрнинг 80-йилларида яратилган миллий реалистик романларда анъанавий йўсинда воқеаларни батафсил баён қилиш ўрнини теран ижтимоий-фалсафий ва психологик талқин эгаллади. О.Ёқубов, Саид Аҳмад, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст син-

гари ёзувчиларнинг асарларида халқ кундалик турмуш тарзидан тортиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётини қамраб олган муҳим даврларини эпик қамраш имконини юзага чиқарди. Тоталитар тузум даврида кўникмага айланган иллатлар, маиший турмуш ҳақиқати чуқур ва ҳар томонлама поэтик таҳлил ва тадқиқ этилди. Давр одамларининг ҳаёти, уларнинг зоҳирий ва ботиний кўриниши, ички "мен"и, табиатидаги зиддиятлар ҳаққоний, холис кўрсатилди. Айниқса, "Лолазор" романида бадиий тасвир очиқ-ошкора киноявий тус олиши ва психологик талқин теранлашуви кузатилди [7. Б. 27].

Мустақиллик арафасида ўзбек романи тараққиётида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Жаҳон адабиёти таъсирида ва жамиятда юз бера бошлаган нисбатан эркинликлар туфайли миллийлик ва умуминсонийлик тамойиллари ўзаро уйғунлашди, янги асарлар сон жиҳатдангина эмас, сифат жиҳатидан ҳам янгиланиш жараёнини бошдан кечирди. Миллий-маънавий сарчашмаларга қайтиш, жаҳон адабиётининг энг ноёб дурдоналари билан танишиш, улардан таъсирланиш натижасида бадиий ижодда инсон концепциясининг фалсафий моҳияти ўзгарди. Умумлашма, сийқаси чиққан, анъанавий образлар ўрнига алоҳида шахснинг фақатгина ўзига хос руҳият қатламларини тасвирлашга ўтила бошланди. Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романи бу жараёндаги қалдирғоч дейиш мумкин. Чунки айнан шу романдан эътиборан адабий аҳолининг индивидуал қиёфа касб этишига, фикр одами сифатида қабартириб ифодаланишига эътибор ортди. "Лолазор" романидаги Назар Яхшибоевнинг ҳаёти, ўй-кечинмалари диёнат ва виждон кишиси сифатида ўз-ўзини тафтиш қилиши китобхонда ҳам хайрихоҳлик, ҳам ачиниш уйғотади [8. Б. 29]. Шифохонада ётиб, ўзининг бутун умрини сарҳисоб қилаётган, ҳаётдаги ютуқ ва ютқизиқларини тарозига тортиб кўраётган, фарзандлари қалбида эмас, халқ қалбида қолишни истаб боғ яратаётган, ўзининг гуноҳларига виждони олдида иқрор бўлган, бир сўз билан айтганда ўз ҳаётини чиғириқдан ўтказаётган Назар Яхшибоев турли кайфият, ҳолат, вазиятларда тасвирланиб, киноя, мажоз, ишоравийлик ва истеҳзо билан полифоник оҳангдорликда тадқиқ қилинади.

"Бадиий образдаги рационал ва эмоционал жиҳатлар уйғунлиги бадиий концепциянинг шакллантирилишида ҳам, ифодаланишида ҳам бирдек муҳим" [7. Б. 46] эканлиги икки ёзувчи асарларида ўз тасдиғини топган.

Романда инсон кўнглида кечаётган турфа эврилишлар, унинг қалб туғёнлари, ўз-ўзини тафтиш қилиш, ўзининг жамият билан бўлган муносабатидаги тўсиқларни идрок этиш ва ўзининг ҳаётий қарашларидан чекинмаслик ифодаланган. Бу эса бадиий адабиётда шахс ва жамият, инсон ва замон концепциясини фалсафий, психологик тадқиқ этиш, бошқачароқ айтганда, воқелик ва инсон муносабатларига янгича ёндашув эди. "Демак, миллий роман ички ижодий тадриж асосида тараққий топган ва 1970–1990 йиллардаёқ мустақиллик даври романлари ривожи учун муайян замин ҳозирланган. Шунинг учун, истиқлол даврида миллий қадриятларни қайта идрок этиш, воқеликни янгича талқин қилиш поэтик ижоднинг бош йўналишига айланди. Ўзбек романчилиги ички структураси, тасвир усуллари сезиларли даражада янгиланди. Жанрнинг анъанавий шакллари янада тараққий қилиб, поэтик ифода имкониятлари кенгайди. Талай ноанъанавий ички шакллари пайдо бўлди [8. Б. 30]

М.М.Дўстнинг "Лолазор" романи [9. Б. 426] ва "Галатепага қайтиш ёхуд саодатманд Ғайбаров ривояти" [10. Б. 228] қиссасида даврнинг авра-астари титиб кўрсатилган, тузумга нисбатан протест, дейиш мумкин.

Назаримизда, айни ҳодисанинг моҳиятида биринчи навбатда, XX аср ўзбек романчилигида Асқад Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Муродлар бошлаб берган хайрли анъаналар, мустақиллик даврида фаол муомалага киритилган диний-илоҳий манбалар ҳамда эътиқодий асосларда яратилган миллий фольклор, мумтоз адабиёт, қолаверса, салкам бир асрлик ўзбек романчилиги тажрибалари-

нинг ўзлаштирилиши туради. Иккинчидан, айни жараёнлар юзага келишида жаҳон мифологияси ва улкан поэтик арсеналга эга дунё реалистик романчилиги анъаналари ижодий ўзлаштириши муҳим омил бўлмоқда. Бинобарин, нореалистик изланишларнинг таъсирига учинчи ўринни бериш адолатли ва холис ёндашув бўлар эди. Зотан, саналган асарларни биринчидан, Қуръони карим ҳикматлари, халқ оғзаки ижоди ноёб дурдоналари, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Аттор, Румий, Навоий, Бобур, Машраб, Гулханий мероспаридан ташқарида баҳолаб бўлмайди. Иккинчидан, А.Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский каби кўплаб рус адиблари ҳамда А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ойбек анъаналари ва А.Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Т.Муродлар ижодидан айрича тасаввур этиб бўлмайди. “Бинобарин, бу халқанинг учинчи бандида қадим туркий фольклор ва ёзма ёдгорликлар, қолаверса, юнон мифологияси ҳамда А.Камю, М.Пруст, Ж.Жойслар таянган фалсафий таълимотлар, ифода услублари ижодий ўзлаштирилишини кўриш мумкин” [8. Б. 45]

Ж.Оруэлл ва М.М.Дўстнинг асарларида илгари сурилган инсон ва жамият концепциясига қиёсий-типологик жиҳатдан қаралса, яққол кўринадики, биринчиси “Улар токи онгли бўлмагунларича исён қилмайдилар, токи исён қилмагунларича онгли бўлолмайдилар” [2. Б. 68] деган ғояни илгари суради, ўзбек адиби эса шахснинг емирилишида жамиятнинг ўрни мавжуд, аммо илоҳий ҳақиқатлар баридан устун ва инсон ўзлигини таниса, унга ҳеч қандай куч қарши чиқолмайди, у руҳий жиҳатдан озодликка эришиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

Адабиётлар:

1. *Раҳимжонов Н*. Бугуннинг қаҳрамони ким? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 6. – Б.10–15.
2. *Оруэлл Ж*. 1984. / К.Баҳриев таржимаси. – Тошкент: ООО “Asaxiy Books”, 2020. – 198 б.
3. *Оруэлл Ж*. Молхона / К.Баҳриев таржимаси. – Тошкент: Nihol, 2020. – 92 б.
4. *Мели С*. Бу майдон ёхуд бадиийлик қонуни // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997 йил 14 февраль.
5. *Назаров Б*. Санъат ва воқелик // Жаҳон адабиёти, 1998. – № 1. – Б. 31–39.
6. *Тоғай Мурод*. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 206 б.
7. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М*. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 400 б.
8. *Ёқубов И.* Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: “Nurafshon business”, 2021. – 27 б.
9. *Дўст М.М.* Лолазор. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 426 б.
10. *Дўст М.М.* Галатепага қайтиш ёхуд саодатманд Ғайбаров ривояти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2009 . – 228 б.

HISTORICAL ENVIRONMENT, ARTISTIC IDEAS AND MULTI - LAYEREDNESS IN THE NOVELS "1984" AND "TULIP BED"

Shakhlo, Sh.Kurbanova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 84-92.

[1]Karshi State University, Karshi, 180119, str., Kuchabog, 17 (Usbekistan). E-mail: kardu@mail.ru

Keywords*: historical environment, unconventional conditionality, style of expression, plot, composition, language, socio-philosophical concept, socio-philosophical and psychological interpretation, metaphor, satire.*

This article discusses the historical environment, artistic ideas and multi-layeredness in the novels "1984" and "Lolazor", the philosophical understanding of the world and the commonality of stylistically complex novels. Scientific-theoretical conclusions and generalizations are made as a result of typological study of J. Orwell's "1984" and M.M. Dost's "Lolazor" novels are described.

From the 80s of the twentieth century, new socio-political views began to emerge in society, depicting the human "I" in fiction with all its complexities, contradictions and contradictions, it began to be interpreted not only as a social phenomenon, but as a unique world. Various manifestations of the non-traditional conditional method began to be expressed through modernism, which was formed under the influence of Western literature.

The current situation, historical conditions, and social environment have a significant impact on the emergence of works of art that depict a person's objective, as well as ruthless, self-perception, and intolerance of self-examination. Prose works in this direction, which reflect both national and universal ideas, have shown that a new wave is entering the literature with its style of expression, art, plot, composition, language, means of expression, socio-philosophical concept.

M.M. Dost's novel "Lolazor" shows the conflict of man with himself in a wide, deep, down to the smallest detail. Looking at his past life, Nazar Yahshibaev realizes that his property is a particle in the environment. Life seems to him transient, meaningless and false. His mind is sharp, intelligent, and his experience long years of experience has made him wise. This is the man who inspects himself and confesses his tragedy. After all, if a person does not understand himself, there is no tragedy for him. N. Rakhimjanov "Who is today's hero?" "It's all about the writer's philosophical and psychological analysis of whatever subject and hero he chooses, and his ability to articulate the philosophy of life, the psychology of society, the wisdom of life through human victory or crisis, and to draw universal conclusions that protect spiritual values. "

Murad Muhammad Dost's novel "Lolazor" can be called a swallow in this process. Because, from that very novel, attention was paid to the individual image of the literary population, to the exaggerated expression of it as a man of thought. The self-examination of Nazar Yakhshibaev's life and thoughts in the novel "Lolazor" as a man of religion and conscience arouses both kindness and sorrow in the reader, - writes the critic I. Yakubov, reflecting on the poetics of Uzbek novels of the independence period. From a comparative-typological point of view, the concept of man and society put forward in the works of J. Orwell and MM Dost is advanced by J. Orwell. there is a place for society, but the divine truths are superior to the bar, and if man recognizes himself, no force can oppose him, he concludes that he can attain spiritual freedom.

References:

1. Rahimjonov, N. (2001) Bugunning qahramoni kim? [Who is today's hero?]. *O‘zbek tili va adabiyoti*. No 6. Pp.10-15.
2. Oruell, J. (2020). *1984* [1984]. / Translation by K. Bakhriev. Tashkent: OOO “Asaxiy Vooks”.
3. Oruell, J. (2020) *Molxona* [Corral]. / Translation by K. Bakhriev. Tashkent: Nihol.
4. Meli, S. (1997) Bu maydon yoxud badiiylik qonuni [Is this a field or the law of art]. *O‘zbekiston adabiyoti va san’ati*. February 14. No 7.
5. Nazarov, B. (1998) San’at va voqelik [Art and reality]. *Jahon adabiyoti*. No 1. Pp.31-39.
6. Tog‘ay Murod (2001) *Bu dunyoda o‘lib bo‘lmaydi* [It is impossible to die in]. Tashkent: Shark.
7. Yoqubov, I. *Mustaqillik davri o’zbek romanlari poetikasi* [Poetics of Uzbek novels of the independence period]. Tashkent: “Nurafshon business”.
8. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheralieva, M. (2013) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of Literary Studies]. Tashkent: Akademnashr.
9. Do‘st, M.M. (1998). *Lolazor* [Lolazor]. Tashkent: Shark.
10. Do‘st, M.M.(2009). *Galatepaga qaytish yoxud saodatmand G‘aybarov rivoyati* [Return to Galatepa or a folktale by happiness lover Gaybarov]. Tashkent: G‘.G‘ulom NMIU.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ҚУРБОНОВА Шаҳло Шуҳратовна – Термиз давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мустақил тадқиқотчиси. E-mail: shaklokurbonova15@gmail.com